

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Шукуров Жахонгир Раббонаевич,

Токент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган
филиали Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси,

E-mail: jahongirbuxoro@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада низоли ҳолатларни келишув асосида тугатиш, айнан бугунги кунда қонунчилигимиздаги ярашув тушунчасининг пайдо бўлиш тарихи, асрлар давомида унинг турли мамлакатларда ўз ички тартиб тамойилларидан келиб чиқиб турли атамалар билан аталганлиги ва қўллаш доираларининг кенгайиб, ривожланиб келганлиги, жамиятда криминоген вазиятнинг ёмонлашувининг олдини олишда самарали восита сифатида фойдаланганлиги, шунингдек, ярашувнинг тарихдан кўплаб мамлакатларда кенг қўлланилиб келинганлиги, улар ҳар мамлакатда турли атамалар билан аталганлиги, биз яшаб турган заминда ҳукмрон бўлган давлатлар тизимида мавжуд бўлган қонунчиликда ярашув муносабатлари қай даражада қайси манбалар билан тартибга солинганлиги таҳлил этилган. Бундан ташқари ярашувнинг ривожланиш тарихи бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари, фикрлари, илмий ишларида илгари сурган назариялари чуқур ўрганилган.

Калит сўзлар: ярашув, ҳуқуқ, ислоҳот, тарих, институт, битим, transactio, тарихчи, ҳуқуқшунос, фикр, таклиф, қонунчилик, ярашув битими, зардуштийлик, авесто, ҳуқуқий муносабат, тергов, суд, жиноят, кодекс.

Ярашув институти бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари жиноят қонунларида ўз аксини топган бўлиб, уларда ярашув институтини қўллаш тартиби, асослари, муддатлари турлича. Аммо ярашувнинг моҳияти деярли бир-бирига ўхшашдир, яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида ярашув битими тузилиши билан процесс тугатилади.

Ярашув бугун ёки кечагина пайдо бўлган институтлардан бири эмас, бизгача етиб келган айрим тарихий манбалар айбланувчининг жабрланувчи ёки унинг қариндошлари билан ярашуви қадим замонлардан бери қўлланиб келаётганлигини кўрсатади. Ярашув институтининг вужудга келиш тарихига



тўхталиб ўтадиган бўлсак, аксарият ҳуқуқ институтлари сингари ярашув институтининг келиб чиқиши ҳам рим ҳуқуқига бориб тақалади.

Рим ҳуқуқига мувофиқ, келишув битими (transactio) ўзаро ён беришларни акс эттирган келишувни ифодалаган бўлиб, тарафлар ўз талабларини исботлашда қийинчиликка дуч келганларида ундан фойдаланганлар. Рим тарихи классик даври ниҳоясида «tran-sactio» алоҳида битим тури сифатида фуқаролик мажбуриятларининг мустақил манбаига айланиб, «actio praescriptis verbis» (бундай битимлардан вужудга келувчи даъволар муайян ном билан боғланмаган бўлиб, ашёни бир шахсдан бошқасига бериш орқали тузилган) воситасида ҳуқуқий муҳофаза этила бошланди[3, Б.9]. Аввалига ярашув турли давлатларда қўлланиб келинган бўлсада, аммо у мамлакатлар қонуни билан тартибга солинмаган эди.

Масалан, Англиялик тарихчи-ҳуқуқшунос Г.Мейн Шарқий Европа славян халқларида қонли қасос олишга чек қўйиш мақсадида қўлланиладиган ярашув шакли-ошначилик, руҳий қариндошлик тўғрисида ёзади. Унинг аниқлашича, шахс бирор ким билан душманчилик муносабатида бўлиши туфайли унинг ҳаётига хавф туғилса, ўз душманига «мусибат бўйича ошначилик»ни таклиф қилиши мумкин бўлган, башарти қарши тараф розилик билдирса, у ўзининг душмани билан руҳий яқинлик муносабатларига киришади ва қоида тариқасида унинг кейинги фарзандини чўқинтириши лозим бўлади. Бу ноёб ва сунъий қариндошчилик муносабатлари славян мамлакатлари, айниқса, Черногорияда қонли қасосни тугатишнинг фавқулодда самарали усули бўлган ва «тинчлик ошначилиги» номи билан машҳур бўлган.

Ярашувнинг ўрта асрларда Европада ҳам қўлланилганини кўришимиз мумкин, ўша даврларда Европа халқларида низолашаётган тарафларни яраштириш учун маслаҳат берувчи кишилар «витан» яъни «билимдон, ақлли» кишилар деб аталган. Бунда тарафлар ўртасидаги ярашув Худо номига қасам ичиш йўли билан мустаҳкамланган ва ушбу аҳд муқаддас саналиб, уни бузиш мумкин бўлмаган.

Ярашувнинг ажойиб ва ўзига хос кўриниши ўрта асрларда Англияда ҳам мавжуд бўлган. XII асрнинг 20-йилларида Англияда «Генрих I Қонунлари» номи билан машҳур ҳуқуқ бўйича дарсликда кўп маротаба инглиз ҳуқуқи суд низоларини дўстона тартибга солишни маъқул кўради деб таъкидланган. Инглиз қиролининг судидаги черков вакили ҳам черковнинг жазо бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, шундай ёзади: барча низоларни имкон қадар келишиб, дўстона ҳал этиш лозим».



Графлик судлари ўзаро низода бўлган шахсларни аниқлаган тақдирда уларни дўстона келишувга (amor) олиб келиши лозим ёки шундай қарор қабул қилиши лозимки, бу улар ўртасидаги тотувликни тиклаши даркор. «Генрих I Қонунлари»нинг асосий принципларидан бири «*Pactum legem vincit et amor iudicium*» яъни «келишув ҳуқуқдан устун, ярашув эса, суд қароридан устивор» бўлган. Унда қуйидаги кўрсатма ва тавсиялар бўлган: «агар бирор шахс бошқа шахсга етказилган зарарни қопласа ва ундан кейин ярашув битимини тузиш мақсадида унга тинчликни таклиф қилса ва ярашув қасамини ичса, бундай таклиф билан мурожаат қилинган шахсга барчасини кечириш ва ўзида унга нисбатан ғазаб-алам сақламаслик тавсия қилинади», «Башарти ярашув битими имзоланса, у суд қарори билан тенг юридик кучга эга бўлади» дейилади.

Таҳлилларга кўра, жинсий жавобгарликдан озод қилишда ярашувни кўллашнинг ривожланиш жараёни, юртимиздаги давлатлар тизимларида ярашувнинг қадим тарихдан жавобгарлик масалаларини ҳал қилишда кўлланилганидан далолат беради.

Ярашув институти бизнинг заминда зардуштийлик даврида одат номалари асосида, араблар истилосидан кейинги даврда шариат нормалари асосида амалга оширилиб, айнан хонликлар ва амирликнинг чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг эса қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мазкур ҳужжатлар ва шариат нормаларининг биргаликда олиб борилганлигини кўришимиз мумкин.

Давлатчилигимиз тарихида низоли ҳолатлар келишув асосида ҳал қилиниши тадрижий ривожланиб келганлигини юртимиздаги кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида чуқур таҳлил этишган.

Жумладан, маҳаллий олимлардан Д.Пайзиев ўз ишида Зардуштийлик динининг асосий манбаси бўлган “Авесто” бўйича одат нормалари асосида иш кўрилганлиги, турли соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар тартибга солиниб, қандай ҳаракатлар жиноят саналиши ва саналмаслиги, қандай ижтимоий ҳавфли хатти-ҳаракатларга жазо берилмаслиги ҳамда қайси гуноҳлар афв этилганлиги, айбдорнинг жабрланган шахс билан ярашувига оид нормаларнинг тартибга солиниши қай даражада эканлиги ўрганилган.

Маълумки, миллий маънавиятимизнинг энг ажойиб хусусияти ҳаётнинг барча мушкулотларини кечиримлилиқ ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Гина, хусумат ва адовот эса барча замон ва маконларда қораланган. Шундай экан, гарчи, ярашув институти миллий қонунчилигимизда нисбатан янги институт бўлишига қарамасдан, ушбу институтнинг тамал тоши бир неча юз йиллар



илгари қўйилган. Давлатчилигимиз тарихига оид манбаларнинг гувоҳлик беришича мамлакатимиз тарихида жиноят содир этган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви кенг қўлланилган. Агар шахс биринчи маротаба жиноят содир этган бўлса ва айбига иқрор бўлиб, зарарни тўлик қопласа, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб кечирим сўраса, жабрланувчи унинг қилмишини кечириб, ярашиш истагини билдирса, албатта икки томон ютади[4,Б.22]. Бунда жиноят содир этган шахс жабрланган шахсга товон тўлагани учун даъвогар уни кечириб, суддан айбдорни жазодан озод қилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Бурхониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя» асарида товон ҳақи жазо сифатида қўлланилганидан кейин, уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши лозим деб кўрсатилган. Мусулмон ҳуқуқида бу институт товон тўлаш деб аталган. Мусулмон ҳуқуқи манбаларидан бири, «Мухтасар»да «сулҳ, иқрор» каби тушунчалар мавжуд бўлиб, 2 сулҳ ва келишув шундайин аҳд-ки, у жазони даф қилур».

Демак, шариатда ҳам ижтимоий хавфи камроқ бўлган қилмишлар келишув асосида жазодан озод қилинган. Шунингдек, 1959 йилдаги Жиноят-процессуал кодексида ҳам ярашувга оид айрим ҳуқуқий элементлар кўрсатилган бўлиб, ҳақорат, тухмат, баданга қасддан енгил шикаст етказиш каби 5 та жиноят тури бўйича жабрланувчи ариза билан мурожаат этмаган тақдирда жиноят иши қўзғатилмайдиган ҳолат сифатида қайд этилган.

Мазкур Жиноят-процессуал кодекси ҳам етарли даражада асослантирилмаган бўлиб, унинг 5-моддаси 6-бандида «жабрланувчи ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда айбланувчи билан ярашганда» деган асос кўрсатилган бўлсада, аммо унинг процессуал амалга оширилиш тартиби мустаҳкамлаб берилмаган.

Глобаллашув жараёнининг шиддатлашуви, фуқаролар ҳуқуқий онгининг даврлар оша ривожланиб бориши, шунингдек, давлатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштиришнинг тадрижий ривожланиб бориши криминоген ҳолатларни камайтиришни, низоларни келишув асосида тугутиш тизимини жорий қилишни, жиноятларни профилактика қилишда ярашувнинг қўлланилиши ижобий натижалар беришини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва



кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва ушбу қонун асосида 2002 йилда Жиноят кодексига «Ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш» ҳақидаги 66¹- модда киритилиб, ушбу моддага биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 26 та моддасида кўрсатилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи шахс билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги қайд этилди.

Ярашув институтининг қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилиши эса жиноятлар билан боғлиқ ишларни тергов қилиш ва судда кўришда ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини, тарафлар ўртасидаги низоларни тез ва тинч йўл билан ҳал қилиш мумкинлигини, қолаверса тергов ва суд идораларидаги ортиқча оворагарчиликларни бартараф этилишини асослаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «... ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлади»[2,Б.46] деб таъкидлагани ҳам бежиз эмасдир.

Хулоса қилиб айтганда, ярашув институтининг қонунда мустаҳкамланиши, жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, жинойий жавобгарликдан озод этиш институтининг кенгроқ қўлланишига имконият яратди. Чунки, муқаддам қонун чиқарувчи томонидан белгилаб берилган процессуал муносабатларда жабрланувчининг иштироки чеклаб қўйилган эди. Жабрланувчига берилган бундай ҳуқуқ эса, аҳолининг криминаллашуви даражаси пасайишига, судланганлик каби салбий ҳолатларнинг камайишига, шу билан бирга меҳр-мурувватлилик каби инсоний фазилатларнинг кенроқ намоён этилишига олиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги, ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й.,



06/21/6217/0409-сон.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2005 йил, 46-б.
3. Чернышова Т.В. Понятие и виды примирения в российском праве: Дисс. к. ю. н. –М.: Российская академия правосудия, 2012.- С. 9.
4. Абдурасулова Қ.Р., Тўлаганова Г.З. Ярашувчилик институтида адвокатнинг иштироки // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: давра суҳбати.-Т.: ТДЮИ, 2005. - 22-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 661-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли Қарори. 9-банд. – Тошкент, 2002 й. 25 октябрь. <https://lex.uz/docs/1453539>

